


Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш

Гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг имкониятларини
кенгайтириш ва ҳимоя қилиш бўйича самарали
ва мувофиқлаштирилган ёндашув



Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш

Гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг
имкониятларини кенгайтириш ва ҳимоя қилиш
бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган
ёндашув

Baktria press

Тошкент –2021

УЎК 006.032:342.841.6
КБК 67.408ц

Г 34

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш. Гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг имкониятларини кенгайтириш ва ҳимоя қилиш бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган ёндашув. [Матн]: йўриқнома. — Тошкент: Baktria press, 2021. — 48 б.

Мазкур “Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш Стандарт операцион иш тартиблари” Шарқий Европа Репродуктив саломатлик институти (ШЕРСИ), Руминия (Бош координатор: Ионела Хорга) мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган материалларга асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг миллий контекстига мослаштирилган.

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш. Гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг имкониятларини кенгайтириш ва ҳимоя қилиш бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган ёндашув» Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича Комиссиясининг 16 июль 2020 йил 4-сонли баёни (17–18-бандлар) билан амалиётга тадбиқ қилиш учун тасдиқланган.

Ҳужжат UNFPA/БМТнинг Аҳолишунослик Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан нашр этилган, 2021 й.

Ушбу нашрда акс эттирилган кўрсатма ва ёндашувлар ҳужжатни адаптацияси бўйича мутахассисларга тегишли ва UNFPA, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг муносабатини акс эттирмаслиги мумкин.

МУНДАРИЖА

Атамалар лувати	4
Қисқартмалар	8
I. Кириш: бу ҳужжат аслида нимани англатади	10
II. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг аҳамияти	10
III. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг мақсадлари	11
IV. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг асосий принциплари	11
V. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг функциялари	12
V.1. Мувофиқлаштириш	14
V.2. Ёрдам/хизмат кўрсатиш	15
V.2.1. Стандарт операцион иш тартиблари (СОТ)	16
V.2.2. Хизмат кўрсатувчиларнинг роли ва мажбуриятлари	19
V.3. Умумий ҳисоботлар ва қайта йўналтириш	24
V.4. Маълумот йиғиш, юбориш ва таҳлил қилиш. Маълумот йиғиш принциплари. Индикаторлар	26
V.4.1. Маълумот йиғиш принциплари	27
V.4.2. Индикаторлар	27
V.5. Таълим дастурлари орқали хизмат кўрсатувчиларнинг салоҳиятини ошириш	28
МАВЗУГА ОИД РЕСУРСЛАР/ҲУЖЖАТЛАР	31
1-илова. Дастлабки скрининг учун хизмат тақдим этувчи томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини рўйхатга олиш шакли	33
2-илова. Гендер зўравонлик даражаси идентификациясининг жадвали	41
3-илова. Жинсий (интим) шериклари ёки бошқа оила аъзолари томонидан зўравонликка учраган хотин-қизлар учун шахсий хавфсизлик режаси (шаблон) ...	44
4-илова. Гендер зўравонлик жабрланувчиларини бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш мумкин бўлган ташкилот ва муассасалар каталоги/маълумотлар базаси	45

Атамалар луғати

Зўравонлик — шахсга/шахслар гуруҳига нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Тазйиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик — бу хотин-қизларга жисмоний, жинсий ёки руҳий зарар етказадиган ёки азобланишига олиб келадиган шу жумладан, ҳам жамоат ҳам шахсий ҳаётда бундай ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган гендерга асосланган зўравонлик ҳаракати.

Гендер зўравонлик — хотин-қизларнинг эркалар билан тенг асосда ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишини жиддий чекловчи камситиш шакли (БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси (CEDAW), Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги 19-сонли умумий тавсиялар, 1-банд).

Гендер зўравонлик/тазйиқдан жабрланувчи (гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи) — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланганлиги, шу жумладан 18 ёшга тўлмаган, аёл жинсидаги шахс.

Зўравонлик содир этувчи шахс — бошқа шахсга нисбатан зўравонликни унинг хоҳиш-иродасига қарши бевосита қўллаб-қувватлайдиган ёки зўравонлик содир этадиган инсон, гуруҳ ёхуд ташкилот (IASC, 2005, Гуманитар операцияларда гендер асосидаги зўравонлик бўйича асосий принциплар: Фавқулодда ҳолатларда жинсий зўравонликнинг олдини олиш ва бунга қарши чора кўришга эътибор қаратиш).

Оиладаги зўравонлик — бу оила аъзоси бўлган шахс томонидан уйда ёки жамоат жойида содир этилиши мумкин бўлган жисмоний, руҳий, иқтисодий, жинсий зўравонлик ҳаракатларининг барчаси (Европа Кенгаши, Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция, СЕЦ № 210).

Вояга етмаганларнинг никоҳи — ўғил болалар ва қиз болалар учун қонун билан чекланган ёшгача расмий ёки норасмий никоҳ. Одатда, бу ҳолатлардан қизлар кўпроқ азиат чекади (ЮНИСЕФ, Вояга етмаганларнинг никоҳлари, 2012).

Иш жойи — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой.

Жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли.

Иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойлари ва бошқа жойларда содир этиладиган зўравонлик шакли бўлиб, хотин-қизларнинг нормал яшаши ва ривожланиши учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланиш ҳуқуқларини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Руҳий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги ҳақида

хавотир, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келадиган ёки руҳий соғлиғига зарар келтирадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)да ифодаланадиган зўравонлик шакли.

Жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

Жинсий шерик — жинсий ҳаётдаги шериклар, улар ўртасидаги муносабатлар расмий (рўйхатдан ўтказилган ёки фуқаролик никоҳида яшайдиган эр-хотинлар) ёки норасмий (ошук-маъшуклар ёки тасодифий жинсий алоқа) бўлиши мумкин.

Жинсий шерик томонидан зўравонлик — бу бутун дунёдаги аёллар бошидан ўтказадиган зўравонликнинг энг кенг тарқалган зўравонлик шакли бўлиб, у ҳозирги вақтдаги ёки собиқ жинсий шериги томонидан аёлларга ва ўсмир қизларга уларнинг розилигисиз қўлланиладиган жинсий, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга қатор мажбурлаш ҳаракатларидан иборат.

Жинсий таҳқирлаш/шилқимлик — гендер зўравонликка учраган шахс билан қандай муносабатда эканлигидан қатъи назар, ҳар қандай шахс томонидан ҳар қандай ҳолатда, шу жумладан уйдан ташқарида ва иш жойида, бироқ бу жойлар билан чекланмасдан, содир этилган ҳар қандай шахвоний ҳаракат, жинсий алоқага киришишга уриниш, номақбул шахвоний изоҳлар ёки тегажаклик қилиш (шахвоний ўйнашиш) ёхуд одам савдоси ҳаракатлари, ёки бошқача тарздаги мажбурлашни қўллаш билан содир этиладиган шахвоний ҳаракатлар; (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2002, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида бутунжаҳон маърузаси).

Зўрлаш/зўрлашга уриниш — жисмоний куч ёки бошқа йўллар билан мажбурлаш орқали эркак жинсий олатини, шунингдек тананинг бошқа қисмлари ёки буюм билан ҳатто бироз бўлса ҳам қинга ёки анусга киритиш. Бундай ҳаракатлар жинсий зўрлашга уриниш ҳисобланади (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), 2002 йил, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида бутунжаҳон маърузаси).

Одам савдоси — одамларга таҳдид қилиш, куч ишлатиш ёки мажбурлашнинг бошқа шакллари, жумладан, ўғирлаш, фирибгарлик, алдов, ваколатни суиистеъмол қилиш ёки лавозимдан фойдаланиш ёки пора бериш орқали, бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун одамларни ишга олиш, ташиш, топшириш, яшириш ёки эксплуатация қилиш. Эксплуатация, ҳеч бўлмаганда, бошқа шахсларни фоҳишабозлик ёки жинсий эксплуатация қилишнинг бошқа шаклларига мажбурлаш, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки шунга ўхшаш урф-одатлар, эрксизлик ёхуд зўрлик йўли билан одамни ўз ички органларидан маҳрум қилишни ўз ичига олади (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш Конвенцияси томонидан тасдиқланган Одам савдосига қарши курашиш ва ундан огоҳлантириш бўйича Баённома).

Жинсий эксплуатация — шахвоний мақсадда ҳолатнинг заифлигидан, ҳукмронлик ёки ишончни, шу жумладан, бироқ бу билан чекланмасдан бошқа инсонни жинсий эксплуатациясидан пулли, ижтимоий ва сиёсий фойда олишда ҳар қандай суиистеъмол ёки суиистеъмолликка уриниб кўриш. (БМТ Бош котибининг жинсий эксплуатация қилиш ва таҳқирланишдан ҳимоя қилиш бўйича бюллетени (PSEA) (ST/SGB/2003/13).

Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими.

Гендер зўравонлик жабрланувчисига тақдим этиладиган асосий хизматлар — хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бошдан кечираётган ҳар қандай аёл, қиз ёки боланинг ҳуқуқлари, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун минимал даражада талаб қилинадиган хизматларнинг асосий тўплами.

Гарчи асосий хизматлар ҳар бир мамлакат ёки турли жойларда бир хил тарзда тақдим этилмаса-да, улар соғлиқни сақлаш, психологик қўллаб-қувватлаш, ижтимоий таъминот ва фаровонлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи каби давлат ташкилотларнинг мутахассисларни хизматлари сингари универсал хизматлар комбинациясини ўз ичига олади.

Қайта йўналтириш — гендер зўравонлик жабрланувчисининг ўз иши хусусида индивидуал мутахассис ёки муассаса билан алоқага кириш жараёни ҳамда мутахассислар ёки муассасаларнинг жабрланувчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъминлаш мақсадида биргаликда мулоқот қилиш ва биргаликда ишлаш жараёни саналади. Қайта йўналтириш тармоғидаги ҳамкорлар одатда турли давлат идоралари, хотин-қизлар ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқаларни ўз ичига олади (ЮНФПА 2010).

Қайта йўналтириш тизими — гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларнинг ҳимоясини таъминлаш ва ёрдам бериш, уларнинг тўлиқ тикланишида ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришда, гендер зўравонликнинг олдини олиш ва зўравонликни содир этган шахснинг таъқиб қилиниши каби умумий мақсадларга эга бўлган, ҳамкорлик тармоғида пухта аниқлаштирилган ва аниқ белгиланган (айрим ҳолларда бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи) қайд этилган мажбуриятлар ва ваколатларга эга бўлган турли объектларни бирлаштирадиган мажмуавий институционал база. Қайта йўналтириш механизмлари самарали ўзаро алоқалар асосида ишлайди ҳамда аниқ ва оддий изчил қадамлардан иборат аниқ белгиланган йўллар ва иш тартибларни ўрнатадилар. (ЮНФПА 2010).

Гендер зўравонлик ҳодисалари ҳақида ҳисобдорлик — бир хизматлар тақдим этувчи томонидан бошқа хизматлар тақдим этувчиларга гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчини ошкор этиш; қайта йўналтириш жараёнида гендер зўравонлик ҳодисаси ҳақидаги маълумотнинг бошқа муассаса/ташкилот билан алмашинуви. Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи розилик ва алмашинув учун маълумотлар қўламини белгилаб бергандагина озгина истиснолар билан ҳисобдорлик амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини тақдим этувчилар — гендер зўравонлик жабрланувчиларга ҳуқуқий хизмат тақдим қилувчи давлат/ҳукумат хизматчиси, прокуратура, ички ишлар органларининг ходими, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи, суд маъмурияти, адвокат, адвокат ёрдамчиси, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларининг ҳуқуқшунослари.

Тиббий хизмат тақдим этувчилар — мунтазам равишда тиббий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс. Индивидуал тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт, тиббий-санитар ходими ёки бошқа соғлиқни сақлаш бўйича мутахассис ёки соғлиқни сақлаш масалалари борасида малакага эга бирон-бир ўқитилган шахс бўлиши мумкин. Тиббий хизматлар тақдим этувчи муассасаларга касалхоналар, клиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, Репродуктив саломатлик маркази, перинатал марказлар, акушерлик ва гинекология, травматология, шошилинч тиббий ёрдам марказлари ва бошқа хизмат кўрсатиш пунктлари киради. Бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатувчилар таркибига тиббиёт ҳамширалари, доялар, оилавий шифокорлар ва бошқа мутахассислар киради. (ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари глоссарийидаги таърифлар).

Психологик хизмат тақдим этувчилар — амалий психология соҳасида махсус тайёргарлик (ихтисослик) ка эга бўлган ва мунтазам равишда психологик хизматлар тақдим этувчи жисмоний шахс ёки муассаса. Психолог-маслаҳатчи, психотерапевт ёки инқирозли вазиятларда хотин-қизларга ёрдам бериш масалаларида малакага эга бўлган бирон-бир махсус ўқитилган шахс яқка тартибдаги психологик хизмат тақдим этувчи бўлиши мумкин.

Ижтимоий хизмат тақдим этувчилар — гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг (ва уларнинг оиласи) оғир вазиятлардан чиқиб кетиши, маргинализацияси ва ижтимоий четланишларининг олдини олиш мақсадида уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини таъминлайдиган давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти субъектлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари.

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Инқироз маркази/гендер зўравонлик жабрланувчилари учун реабилитация маркази — оғир турмуш шароитида бўлган хотин-қизларга (ва уларнинг фарзандларига), шу жумладан, турли шакллардаги гендер зўравонликка дучор бўлганлар ёки зўравонлик остига тушиш хавфи юқори бўлган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга мўлжалланган давлат ёки хусусий муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари.

Шелтер/бошпана — гендер зўравонлик барча кўринишларидан қутулмоқчи бўлган хотин-қизларнинг (уларни фарзандларини) ҳимоялаш мақсадида кўпинча давлат муассасалари ёки жамоатчилик ташкилотлари негизида ташкил этилган вақтинчалик яшаш жойи.

Кейс-менежмент (ёки ишни бошқариш) — мажмуавий хизматларни тақдим этишнинг тан олинган усули, бунда гендер зўравонлик жабрланувчиси инқирозли вазиятда муаммолар ечилишига ёрдам бериш мажбуриятига эга бўлган қўллаб-қувватлаш хизматлари диққат марказига жойлаштирилади. Бунда эҳтиёжларни баҳолаш, режалаштириш, хизматларни тақдим этиш ва мувофиқлаштириш, эришилган ижобий ўзгаришларни баҳолаш каби кейс-менежмент босқичларининг изчиллигини сақлаш мажбурий ҳисобланади ва у босқичлар қўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари ҳамда гендер зўравонлик жабрланувчиси билан биргаликда олиб борилади.

Виктимизация (лот. victim — қурбон, жабрланувчи) — жиноий тажовузкорлик жабрланувчисига айлантириш жараёни ёки яқуний натижаси. Виктимизацияга жиноят содир этилган вақтда бошланадиган жараён сифатида қаралади. Юз берган воқеада “жабрланувчини айблашга” йўл қўйиш мумкин эмас.

Аутоагрессия — бу одам томонидан ўзига нисбатан ножўя ҳаракатларнинг амалга оширилиши. Ножўя ҳаракатлар деганда ўз жонига қасд қилиш, жароҳат етказиш, алкоголизм, гиёҳвандлик, ўзини айблаш, ўзини-ўзи ҳақорат қилиш тушунилади.

Жароҳатдан кейинги синдром (ЖКС, жароҳатдан кейинги стресс ҳолати — ЖКСХ) — ташқи омиллар натижасида ўта кучли шикастланадиган оғир руҳий касаллик. Зўравонлик ҳаракатлари, марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши, камситилиш, яқин инсонларнинг ҳаёти учун кўрқув натижасида руҳий касалликларнинг клиник белгилари пайдо бўлади.

Руминация (Rumination) — (психиатрияда) одам миясида фақат бир хил фикр ёки мавзу айланиб, бошқа барча ақлий фаолият турларини гендер зўравонлик жабрланувчисидан сиқиб чиқарувчи мияга ўрнашиб қолган фикр.


Фобияга мойил хулқ-атвор — ҳақиқатда бўлган асосли ёки асоссиз гендер зўравонлик жабрланувчисига ўрнашиб қолган кўрқув (яъни, фобия) оқибатида атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларнинг бир усулини танлаш сифатида тавсифланади.

ЖССТ таърифига кўра **суд-тиббий далиллардан** “фақат судда фойдаланиш мақсадида хужжатлаштирилган қўшимча ва аногенитал жароҳатлар ҳамда эмоционал ҳолат, шунингдек жабрланувчи шахснинг танаси ёки кийимидан олинган намуна” сифатида фойдаланилади. “Бундай далиллар сўлак, маний, соч толаси, қов супчасида ўсадиган юнг, қон, сийдик, тола, бегона ашё ва тупроқдан иборат бўлади.

Қисқартмалар

БМТ	–	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ГЗ	–	Гендер зўравонлик
ЖКС	–	Жароҳатдан кейинги синдром
ЖКСҲ	–	Жароҳатдан кейинги стресс ҳолати
ЖССТ	–	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ИИБ	–	Ички ишлар бўлими
СОТ	–	Стандарт операцион иш тартиблари
ТХКМРМ	–	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази
ХҚНЗ	–	Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик
ЮНИСЕФ	–	БМТнинг болалар жамғармаси
ЮНФПА	–	БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси
CEDAW	–	“Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси
UNFPA	–	БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси

1-ЖАДВАЛ. ГЕНДЕР ЗҰРАВОНЛИККА ЖАВОБАН ИДОРАЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШНИНГ ТҮПЛАМИ БҮЙИЧА ХАРИТА



I. Кириш: бу ҳужжат аслида нимани англатади

Гендер зўравонлик (ГЗ) жабрланувчиларини ҳимоя қилишга самарали ва мувофиқлаштирилган ёндашув учун ишлаб чиқилган ГЗга идоралараро жавоб қайтариш бўйича ҳужжат хотин-қизларга нисбатан зўравонлик глобал муаммосига қарши курашувчи миллий механизмларнинг бир қисми ҳисобланади. Мамлакатнинг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларига мос келадиган ҳуқуқий меъёрлари мавжуд бўлса хотин-қизларга нисбатан зўравонликка (ХҚНЗ) идоралараро жавоб қайтариш механизми яратилиши мумкин. Мамлакатда давлат муассасаларининг масъулияти ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг ГЗ жабрланувчиларига уларнинг кўп сонли эҳтиёжларига мувофиқ ҳар томонлама ёрдам кўрсатишнинг умумий жараёнига жалб этилишини тартибга солувчи қонун шаклидаги ҳуқуқий меъёрлар мавжуд.

ГЗга қарши чоралар кўришда махсус талаблар кенг қамровли ечимни ишлаб чиқишда аниқ ҳаракатларни бирлаштирадиган ва бажарилишини ташкил этадиган кўшма ҳаракатлар ва муносабатларни тартибга солувчи тушунчалар, принциплар ва меъёрларни аллақачон белгилаб қўйган.

Ушбу ҳужжат ўз навбатида ёрдам ёки хизмат тури бўйича стандарт операцион иш тартибларига (СОТ) мувофиқ ишлайдиган барча хизмат кўрсатувчиларнинг мувофиқлаштирилган иши учун самарали механизмни таъминлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади. СОТлар хизмат кўрсатувчиларнинг ҳар бири учун маълум бир идоранинг гендерга асосланган зўравонликка қарши ҳаракатларини тартибга солади. Асосий идоралар учун аниқ оператив тартиблар қўшимча равишда ишлаб чиқилган ва ҳужжатлар тўплами бир қисми сифатида тақдим этилган.

Ушбу ҳужжат барча йўналишдаги ҳаракатларни қўллаб-қувватловчи ГЗга идоралараро жавоб қайтариш тушунчасини ифодалайди. Бу тегишли идоралар учун, айниқса, ГЗ жабрланувчилари билан бевосита ишлайдиган мутахассислар учун умумий услубий базани талаб қилади.

Ҳужжат раҳбарлар, манфаатдор томонлар ва хизмат кўрсатувчилар учун ГЗ билан боғлиқ муаммоларни ҳал қиладиган ташаббуслар ва мавжуд дастурларни кучайтириш ёки ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма вазифасини бажаради.

II. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг аҳамияти

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш самарали, тезкор ва изчил хизматлар тармоғи орқали гендер зўравонлик қурбонлари хавфсизлиги даражасини оширишни ва уларни қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

Тегишли муассасалар/ташкilotларнинг уюшган фаолияти идоралараро гуруҳлар аъзоларига ўқув дастурларидан фойдаланиш имкониятини бериб, гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилади. Зарур кўникмаларга ва мақбул хулқ-атвор шаклларига эга пухта тайёргарлик кўрган хизмат кўрсатувчилар тармоғи гендер зўравонлик жабрланувчиси эҳтиёжларига мослаштирилган эътиборли ва самарали кўмакни таклиф қилади ҳамда такроран жабрланиш хавфини камайтиради.

Самарали ва сифатли хизматлар тармоғи гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар ишончини, ваколатли муассасаларга/ташкilotларга мурожаат қилиш имкониятини ва мурожаат қилишни ошириш имконини беради.

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш мустаҳкам ва барқарор ўзгаришларни келтириб чиқаради ҳамда гендер зўравонликка муроса қилиб бўлмайдиган институционал ва жамоавий маданиятни яратишга ёрдам беради.

III. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг мақсадлари

Гендер зўравонликка қарши курашишнинг анъанавий модели гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар мажмуавий эҳтиёжларини қондира олмайдиган кўплаб чекланган хизматларни ажратган ҳолда алоҳида хизмат кўрсатувчилар (гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар учун бир нечта субъект) билан иш олиб боради.

Гендер зўравонликка қарши мувофиқлаштирилмаган тарзда чоралар кўришнинг камчиликлари қуйидагилардан иборат:

- гендер зўравонликка учраган жабрланувчини мувофиқлашган ижтимоий кўмак ва ахборотдан маҳрум қилиш;
- гендер зўравонликнинг жабрланувчиси учун вазиятнинг чигаллиги ва муайян аралашув/ёрдам кўрсатишни кечиктириш;
- гендер зўравонлик жабрланувчисининг хизмат кўрсатувчилар олдига кўп марта ва қайта-қайта бориши, мавҳум идоралараро йўналишга амал қилиш;
- гендер зўравонликнинг турли атама ва таърифларидан фойдаланиш;
- гендер зўравонлик ҳолатлари ҳақида бир-биридан фарқ қилувчи маълумотлар/индикаторлар тўплаш;
- гендер зўравонлик ҳолатлари бўйича маълумотларни ёзиб бориш, ҳисоблаш, ўтказиш ва тўплашнинг ҳар хил қоидаларидан фойдаланиш.

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш ижтимоий-сиёсий фаровонлик, ҳуқуқий тартибни таъминлаш (ички ишлар органлари, прокуратура ва адлия бошқармалари) ва саломатлик соҳасидаги турли муассасалар томонидан (улар билан чекланиб қолмаган ҳолда) ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган дастурлар ҳамда тадбирларни уйғунлаштириш ва тузатишга қаратилган яхлит ва мувофиқлаштирилган ёндашувни ўзида ифодалайди. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш идоралараро ҳамкорликка асосланган бўлиб, у гендер зўравонликка қарши курашиш учун умумий мафкура бўлишини ҳамда жалб қилинган ҳамкорлар томонидан белгиланадиган принциплар ва стандартларга риоя қилишни талаб қилади.

Идоралараро мувофиқлашув ва қайта йўналтириш гендер зўравонликка мажмуавий эътибор қаратишни ўзида ифодалайди ва қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- Гендер зўравонликнинг жабрланувчилари учун қўллаб-қувватлаш хизматларидан фойдаланишни таъминлаш ва соддалаштириш.
- Ўзаро мувофиқлаштирилган идоралараро иш қоидалари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда барча дастурлар доирасида интеграциялашган ва турлича йўналган ёрдам/хизмат.
- Барча даражаларда ва барча иштирокчи муассасалар томонидан ҳисобот юритилишини таъминлаш. Гендер зўравонликка барҳам бериш ва бунинг олдини олиш учун мувофиқлашган ҳаракатларни таъминлаш.
- Гендер билан боғлиқ зўравонлик ҳақида аниқроқ маълумотлар билан таъминлаш, аралашув ва берилган йўлланмалар тарихи.

IV. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг асосий принциплари

Умумий модель гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи принциплар ва “Гендер зўравонлик ҳолатларини идоралараро бошқаришни мувофиқлаштириш” асосида ишлаб чиқилган.

Принципларнинг қуйидаги рўйхати ушбу модельга асосланган пойдеворини ўзида ифодалайди:

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш. Гендер зўравонликка жавоб қайтариш гендер зўравонлик жабрланувчиларига асосий хизматлар кўрсатувчи барча давлат ва нодавлат идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг иштирокини ўз ичига олади.

Жабрланувчининг эҳтиёжларига қаратилган ёндашув. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш жараёнига жалб қилинган барча хизмат кўрсатувчилар учун гендер зўравонлик жабрланувчиларининг ҳуқуқлари, эҳтиёжлари ва истаклари устувор аҳамият касб этиши керак.

Ҳамкорлик. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш жараёнига жалб қилинган ташкилотлар/муассасалар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик ва мувофиқлашув ўрнатилишини назарда тутати.

Жамоавий бошқарув. Идоралараро аралашув ва қайта йўналтириш, ҳаракатлар стратегияси ва режалари, шу жумладан, дастурларни режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашга тегишли бўлган қоидалар жамоавий иштирок этиш асосида, хусусан, бенефициар (фойда олувчи)лар иштирокида (қўлланилиши мумкин бўлган ҳолларда) амалга оширилиши керак.

Стратегик режалаштириш. Жамиятдаги гендер зўравонлик ҳодисаси билан курашишга қаратилган сиёсат ва дастурлар ҳар бир иштирок этувчи ташкилотнинг функционал жавобгарлигини кўрсатувчи аниқ мақсадлар ва ҳаракатлар билан умумий идоралараро стратегиялар тоифасига ўтказилиши керак.

Хизматларнинг мажмуалилиги. Аралашув ва қайта йўналтириш тартиб-принциплари, шунингдек, ҳимоя чоралари ягона услубга асосланган соҳалараро ёндашувни талаб этади.

Олдини олиш. Самарадор кенг қамровли гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш ёндашуви устувор аҳамият сифатида зўравонликни олдини олиш ва профилактикасини ҳам ўз ичига олади.

Ҳисобдорлик. Хизматларни кўрсатувчи барча ташкилотлар ва улар томонидан амалга оширилган тадбирлар ўзаро келишилган дастурлар ва қоидаларни амалга ошириш ва бажариш, ҳамда ўз фаолиятида устувор принципларга риоя қилиш мақсадида умумий маълумот базаси учун ҳисобдорликни таъминлаш.

Барқарорлик. Гендер зўравонликка жавобан идоралараро кенгашиб ҳаракат қилаётган муассасалар/ташкилотлар, сиёсий ўзгаришларга, кадрлар алмашинуви ва кадрлар қизиқиши етишмаслигидан қатъи назар, барқарорлик ёндашувни амалга ошириш ва таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратишлари керак.

Гендер зўравонликка қарши курашиш бўйича идоралараро механизмнинг бир қисми бўлган муассасалар/ташкилотларнинг барчаси ҳеч қандай истисносиз зўравонлик ҳодисаларини кўриб чиқишда уларнинг муносабатлари ва хатти-ҳаракатлари учун жабрланганларга ёрдам кўрсатишда принциплар рўйхатига риоя қилинишини ифодалайди.

Тартибга кўра, идоралараро мувофиқлаштирувчи муассасалар/ташкилотлар принципларни изчиллиги учун жавобгардир ва шунга кўра барча муассаса ва идораларнинг унга амал қилишни таъминлаши шарт.

Шахсий тарафкашлик ёки жалб қилинган муассасалар/ташкилотларнинг муносабатлари мазкур кўрсатмаларга амал қилишга таъсир этмаслиги керак.

V. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг функциялари

Мувофиқлаштирилган ва келишилган идоралараро ҳаракатни кўзда тутувчи тизим / механизмни яратиш, бошқа хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорликни таъминлаш, муаммо ҳақида кенг кўламли маълумотларга эга бўлиш, амалга оширилган тадбирлар натижалари тўғрисида аниқ тасаввурга (маълумот


алмашиш) эга бўлиш каби функцияларнинг амалга оширилишини кўзда тутмайдиган алоҳида олинган муассаса / ташкилотнинг самарали тарзда чора кўриши давлат миқёсида ёки умуман жамиятда гендер зўравонлиги муаммосини ҳал қила олмайди.

Бундай иш услуби кўрсатилаётган хизматларнинг самарадорлигини баҳолашга имкон бермайди. Оқибатда э са, ГЗ ҳолатлари нотўғри баҳоланиши ва кўрилатган чора-тадбирлар етарли бўлмаслиги мумкин.

Гендер зўравонликка эътибор қаратишнинг самарали мажмуавий ёндашувининг олдини олиш ва жавоб қайтариш стратегияларини ўз ичига олиши керак. Олдини олиш гендер зўравонлик хавфига қўмаклашадиган, уни мустаҳкамлайдиган ёки кучайтирадиган гендер асосидаги зўравонликнинг асосий сабаблари ва муайян вазиятга боғлиқ омилларни камайтириш ёки бартараф этишдан иборат. Гендер зўравонлик билан боғлиқ нохуш ҳодисалар оқибатлари ёки натижаларини белгилаб берадиган жавоб қайтариш чораларини ўз ичига олади.

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш мамлакат даражасида ёки маҳаллий даражада амалга ошириладиган расмий ёки норасмий механизмни ўзида ифодалаши мумкин. “Комплекс”, “секторлараро”, “соҳалараро”, “тармоқлараро”, “муассасалараро” жавоб қайтариш мазкур турдаги жавоб қайтаришнинг синонимлари бўлиши мумкин. У тез-тез адаштириладиган гендер зўравонлик ҳолатларининг идоралараро мувофиқлаштирувчи механизми ёки йўналиши билан чекланмайди. Гендер зўравонликка идоралараро самарали жавоб қайтариш жалб қилинган муассасалар ўртасида ҳамкорлик ва алоқа қилиш тўғрисида ҳужжатлар имзолашдан кўра муҳимроқ нарсадир.

2-ЖАДВАЛ. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ИДОРАЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ



Юқоридаги жадвалда гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш 6 та функцияси акс эттирилиб, уларни амалга ошириш орқали яратилиши мумкин бўлган барча томонлар учун ягона асос ҳисобланган аниқ методология асосида аралашув ва ҳамкорликнинг мажмуавий механизмини ифодалайди. Яъни:

- мувофиқлаштириш;
- ГЗ жабрланувчиларига ёрдам/хизмат кўрсатиш;
- ГЗ ҳолатлари бўйича ҳисобдорлик ва йўлланма бериш тизими;
- ГЗ ҳолатлари бўйича маълумотларни йиғиш, юбориш ва таҳлил қилиш;
- таълим дастурлари орқали хизмат кўрсатувчиларнинг салоҳиятини ошириш;
- ГЗ ҳолатларининг олдини олиш ва хабардорликни ошириш тадбирлари.

V.1. Мувофиқлаштириш

Мураккаб тизим сифатида гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларнинг/шахсларнинг биринчи ва бевосита эҳтиёжлари кенг рўйхатини қамраб олиш учун идоралараро тузилмани фаоллаштириш зарур. Гендер зўравонлик оқибати сифатида юзага келадиган эҳтиёжлар жамоатнинг эътиборини талаб қилади. Ҳукумат муассасалари ва фуқаролик жамияти бунинг қонуний ва ваколатли вакиллари ҳисобланади. Шундай қилиб, гендер зўравонликка жавоб қайтаришнинг самарали механизмини ишлаб чиқишни талаб қиладиган ҳар қандай стратегия идоралараро ҳамкорлик ва шерикликка асосланиши керак. Ҳамкорлик орқали ҳукуматлар, хусусий муассасалар ва ҳомийларга қарши ҳаракат қилишни давом эттириш мумкин.

Жамоавий бошқарув усули воситасида кредитлаш ва жавобгарлик ажратилиши керак. Ҳар бир инсон ва ҳамкор ташкилот гендер зўравонликка қарши курашиш учун жавоб беришини ҳис қилиш гендер зўравонликка идоралараро муваффақиятли жавоб қайтаришга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Ҳамкорлик гендер зўравонликка идоралараро муваффақиятли жавоб қайтаришнинг муҳим омили ҳисобланади, чунки у ёрдам кўрсатиш учун ҳамкорликнинг кенг тармоғини ва қайта йўналтиришни таклиф қилади; жамоатчилик ҳоқимияти бу жараённинг бир қисми бўлиши зарур.

Ҳар қандай ҳамкорлик прогрессив ҳамкорлик босқичларига эга, бунга қуйидагилар орқали эришилади:

- манфаатдор гуруҳлар ўртасида ахборот алмашиш;
- биргаликдаги фаолият учун пул маблағларини алмашмай ҳамкорлик қилиш;
- биргаликдаги фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- ҳамкорлик шартларини белгилаш, таъминлаш ва молиялаштириш учун расмий ҳамкорлик доирасида режалаштирилган тадбирларни (келишув тўғрисида меморандум, ҳамкорлик тўғрисида баённома ёки контракт) амалга ошириш.

Муваффақият муаммо ҳақида муросага эришадиган ва уни ҳал қилиш режасини бирга ишлаб чиқадиган муассасалар тармоғига боғлиқ. Ҳамкорлик мақсади ва кутилаётган натижалари белгиланган бўлса ҳамда ҳамкор муассасалар билан биргаликда келишилган бўлса, расмий ҳамкорлик самаралидир.

Ҳар бир ҳамкор ташкилотнинг роли, мажбуриятлари ва вазифаларининг ёзма шаклда батафсил изоҳланиши уларнинг бажарилишини таъминлаши мумкин. Ҳар бир жалб этилган муассаса/ташкилот мажбуриятларини аниқлаштириш ва ёзма шаклда батафсил таърифлаш нореалистик мақсадларни қўймай, аниқ самарали ҳамкорликни таъминлайди.

Амалий даражада ҳамкорлик гендер зўравонликка қарши курашадиган муассасалар/ташкилотларни, балки уларнинг ишлаш усулларини ҳам боғлайди. Профессional фаолиятдаги “шахсий алоқаларга” асосланиб қолмай, балки гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш муваффақиятли бўлиши учун гендер зўравонлик бўйича тадбирлар учун идоралараро мувофиқлаштирувчи органни, расмий мувофиқлаштирувчи

гуруҳни ташкил этиш зарур. Идоралараро мувофиқлаштириш механизмига амал қиладиган муассасалар вакиллари одатда уларнинг аъзолари ҳисобланади. Бу тузилма ҳар ойда мунтазам йиғилишлар чақириши ва қуйида санаб ўтилган мақсадларни кўзлаши керак:

- барча муассасалар/ташкilotлар учун стратегиялар ва йиллик ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш;
- гендер зўравонликка қарши курашиш учун ҳаракатлар режасини яхшилаш/мустаҳкамлаш чораларини таклиф қилиш;
- муассасалар/ташкilotлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш;
- гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш механизмини (интервенция ва қайта йўналтириш тартибларини) ишлаб чиқиш ва келишиш;
- олдини олиш ва хабардорликни ошириш лойиҳаларида, ўқитиш дастурларида, тадбирларида биргалликда иштирок этишга кўмаклашиш;
- молиялаштириш манбасини аниқлаш;
- келишилган стратегиялар жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ахборотни бошқариш ва уни жалб қилинган муассасалар/ташкilotлар ўртасида алмашиш гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришни мувофиқлаштиришнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бир ҳамкор раҳбарликни ўз зиммасига олиши, ҳамкорликка риоя этилишини назорат қилиши ва мунтазам ахборот алмашиш жараёнини (учрашувлар, оралиқ ҳисобот ва ҳоказоларни) таъминлаши тавсия этилади. Бу вазифа устуворликларни мувофиқлаштириш ва бошқариш билан бирга кўп меҳнатни талаб қиладиган вазифа ҳисобланади.

Идоралараро мувофиқлаштирувчи орган/ташкilot гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришни кузатиш ва баҳолаш бўйича ташаббусни ўз зиммасига олиши керак. Бироқ кузатиш ва баҳолаш барча ҳамкорлар ўртасида шаффофликни ва ўзаро алоқани, шу жумладан мақсадларга эришиш ва натижаларни ҳужжатлаштиришда ютуқни кузатиш соҳасида ҳамкорликни таъминлаш учун зарур бўлган асл ва узоқ меҳнат ҳисобланади. Мақсад — гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришда интервенция ва қайта йўналтиришнинг келишилган принциплари ҳамда жараёнларига риоя этилаётганлиги ёки риоя этилмаётганлигини аниқлаш, мақсадлар, фаолият ва ресурслар билан боғлиқ эришилган натижаларни баҳолаш, шунингдек киритилиши керак бўлган тузатишларни ва/ёки стратегиялар ҳамда ҳаракатлар режаларини модификациялашни белгилашдир. Бундан ташқари, кузатиш ва баҳолаш қайси чора-тадбирлар самаралироқ/самарасизроқ эканлигини аниқлаши мумкин.

Идоралараро мувофиқлаштирувчи орган/ташкilot гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш учун маблағ тўплашда ёки манбаларни аниқлашда мажбуриятларга эга бўлиши мумкин. Молиялаштириш манбаларининг айрим типлари қуйида келтирилган:

- маблағларнинг ижтимоий (давлат) манбалари;
- контракт бўйича ёки ҳукумат томонидан кафолатланган ташқи қарзлар, бунинг учун тўлов, фоизлар ва бошқа харажатлар давлат муассасалари томонидан таъминланади;
- қопланмайдиган халқаро жамғармалар;
- маҳаллий ҳукумат муассасаларининг давлат бюджетлари;
- хусусий манбалар ва хайрия маблағлари.

Барча юқоридаги молиялаштириш манбаларидан турли молиялаштириш механизмлари (масалан, субсидиялар, давлат бюджетидан маблағ ажратиш, лойиҳалар, аризалар танлови, ҳомийлик ёрдамлари, хайрия маблағлари ва бошқалар) орқали фойдаланиш мумкин.

V.2. Ёрдам/хизмат кўрсатиш

Гендер асосидаги зўравонликнинг идоралараро интервенцияси гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар учун комплекс хизматлар кўрсатишни назарда тутди, бу хизматлар оғир тажриба таъсири

ва оқибатларини камайтиради ҳамда жароҳат етказилишини тўхтатади, шу жумладан тақроран жабрланишнинг олдини олади. Бундан ташқари, гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларнинг/шахсларнинг зарур эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда аниқланган эҳтиёжлар ва мавжуд ресурсларга мувофиқ интервенциянинг яқка тартибдаги режасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва назорат қилиш имконини беради. Барча интервенциянинг хатти-ҳаракатлари гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар эҳтиёжларига қаратилган бўлиши, идоралараро ёндашув ва яхлит ёндашув асосида амалга оширилиши, мослаштирилган ва барқарор бўлиши керак.

ГЗ билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар ҳал қилинмасдан қолаётганилиги учун ҳам, идоралараро жавоб қайтаришнинг фойдали томонларидан бири шундаки, у кўрсатилаётган хизматларнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги тўғрисида жабрланувчининг фикрига таъсир қилиши ва жамият манфаатларига мувофиқ келадиган хизматлар бўйича давлат сиёсатини ўзгартириши мумкин.

Нохуш ҳодиса ҳақида маълум бўлмагунгача ва гендер зўравонлик жабрланувчиси ёрдам сўраб мурожаат қилмагунгача ёрдам кўрсатиш мумкин эмас. Шу туфайли жавоб қайтариш зарур ёрдам хизматларини аниқлаб олиш ва талаб қилинган ҳамда ҳамдардлик билан ёрдам ва кўмак берадиган ҳамжамият аъзолари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашдан бошланади.

Стандарт операцион иш тартиблари ГЗ жабрланувчисини танглик ҳолатидан чиқариш ва бошдан кечирилган зўравонлик таъсирини камайтириш учун ГЗга жавоб қайтариш механизмининг муҳим қисмини ҳамда воситасини ташкил қилади.

Ҳар бир соҳада хизмат кўрсатувчи асосий муассасалар ва хизмат кўрсатувчилар (тиббий хизматлар кўрсатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, психологик ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчилари) мазкур ҳужжатнинг пастдаги V.2.1 ва V.2.2. қисмларида акс эттирилган.

V.2.1. Стандарт операцион иш тартиблари (СОТ)

Стандарт операцион тартиблар ГЗ жабрланувчисини танглик ҳолатидан чиқариш ва бошдан кечирилган гендер зўравонлик таъсирини камайтириш учун минимал хизматлар тўпламини тақдим этиш мақсадида хизмат кўрсатувчи фаолиятини ташкил этиш воситаси. Ушбу идоралараро жавоб қайтариш доирасида ишлаб чиқилган СОТлар умумий ГЗга жавоб қайтариш механизмининг муҳим, бир-бирини тўлдирувчи қисмидир. СОТлар ГЗ жабрланувчисининг эҳтиёжлари учун кенг қамровли хизматларни тақдим этишда ягона методология, универсал принциплар ва ёндашувларга эга.

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш гендер зўравонлик жабрланувчисини ҳимоя қилишга, оиланинг бошқа аъзоларини, айниқса гувоҳларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга (агар зарур бўлса) ҳамда зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахсни жавобгарликка тортишга қаратилади.

Гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга кўрсатиладиган хизматлар шахсий ҳаёт **хавфсизлиги, дахлсизлиги, махфийлиги, онгли танлов, ҳурмат қилиш ва камситмаслик** принципларига асосланган.

Хавфсизлик. Ҳар қандай интервенцияда гендер зўравонлик жабрланувчиларининг ва улар болаларининг хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу, биринчидан, хизмат кўрсатувчилар гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга зўравонлик хавфини солиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан, ҳатто эзгу мақсаддаги ҳаракатлардан тийилиши кераклигини англатади. Хавфсиз ва ғамхўр одамлар бўлишини таъминлаш зарур. Имконият ёки зарурат бўлса, гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга бошқа хизмат кўрсатувчилар олдида боришида ҳамроҳ бўлинг. Бундан ташқари, хизмат кўрсатувчилар хавфсизликнинг потенциал хавфларини баҳолашда ва хавфсизлик режасини ишлаб чиқишда гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга кўмак бериши керак (2-иловага қаранг).

Дахлсизлик. Гендер зўравонликка учраган одамларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш керак. Интервенция босқичида гендер зўравонлик жабрланувчиси билан фақат гендер зўравонлик ҳолатларини бошқарадиган мутахассислар мулоқот қилиши керак, бундан гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг илтимосига кўра унга бошқа шахс муурожаат қилган ҳоллар мустасно.

Махфийлик. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар хизматлардан фойдаланишга розилик беришидан олдин махфийликка қатъий риоя қилинишига ишонч ҳосил қилиши керак. Гендер зўравонлик ҳолатларида тез-тез учрайдиган айбдорлик, уялиш ва ижтимоий стигматизация, айниқса кичик аҳоли пунктларида, махфий бўлган хизматлар соҳасида вазиятнинг яширин хусусиятига ва ишонч туйғусини шакллантириш заруратига урғу беради. Хизмат кўрсатувчилар фақат ўта зарур ҳолларда бошқа хизмат кўрсатувчилар билан гендер зўравонлик ҳолатларини муҳокама қилиши керак. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар тўғрисидаги барча ёзма маълумотлар ҳимояланган, блокировка қилинган файлларда сақланиши лозим.

Хизмат кўрсатувчилар гендер зўравонлик жабрланувчиси хабардор этилиб, розилиги олинмай туриб гендер зўравонлик ҳолати тўғрисидаги ҳар қандай ахборотни алмашмаслиги керак (юридик чекловларни ёки мажбурий ҳисоботни эътиборга олиш керак). Агар келишилган ёки сўров берилган бўлса, гендер зўравонлик ҳолатлари билан шуғулланувчи бошқа хизмат кўрсатувчилар ҳузурига юборишдан олдин хабардор қилиб розилигини олинг. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга ёрдам бериш учун зарур бўлган тегишли ва ўринли ахборотнигина алмашинг.

Онгли танлов. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг хоҳиш-истаклари, танлови, ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳурмат қилинг. Хизмат кўрсатувчилар ҳар қандай сўров ёки текширув ўтказишдан олдин гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг асосий эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларини кўриб чиқиши керак. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга ҳурмат билдириш ҳамкорликнинг холис усулини назарда тутати. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар билан ўзаро ҳамкорлик алоҳида хоналар ёки биноларда ўтиши керак. Гендер зўравонликка учраган, аёл киши ва болалар бўлган жабрланувчилар/шахслар билан боғлиқ вазиятда мутахассис аёллар билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ.

Камситмаслик. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар ва барча хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик камситишсиз (ҳар қандай шаклдаги камситишсиз, шу жумладан ирқий, жинсий, терисининг ранги, миллати, этник мансублиги ёки ижтимоий келиб чиқиши бўйича камситишсиз) амалга оширилиши керак. Масалан, хизмат кўрсатувчилар муайян этник гуруҳга кирадиган гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга хизмат кўрсатишни рад этмаслиги ёки тури ва ҳажмини чекламаслиги керак.

ГЗ жабрланувчиси ва унинг болаларининг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари баҳоланади ҳамда улар асосида фаолиятнинг эҳтимолий вариантлари ва фойдаланиш мумкин бўлган хизматлар ҳақида аниқ ва тўғри ахборот тақдим этилади. Бунда ГЗни бошдан кечирган жабрланувчи тегишли муассасага муурожаат қилиши мумкин бўлган аниқ хизматлар кўрсатилади.

Хизмат кўрсатувчилар гендер зўравонлик жабрланувчисини ўзлари таклиф қиладиган ёрдам ҳақида хабардор қилиши ва бекорга кутмаслик учун қайси хизматлар кўрсатилмаслигини аниқ белгилаши керак. Гендер зўравонлик ҳолатига аралашув ҳолатни бошқариш жараёнида намоён бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг ҳуқуқий ва ахлоқий доираларида ташланадиган тўртта қадамни ўз ичига олади. Гендер зўравонлик ҳолатларини бошқариш бир чизиқли ёки бир томонлама жараён эмаслигини қайд этиш муҳим. Ҳолатни баҳолаш ёки аралашув режаси жараённинг ҳар исталган пайтида юз бериши/такоррланиши мумкин.

Идоралараро жавоб қайтаришда барча хизмат кўрсатувчиларнинг операцион иш тартиблари ГЗ жабрланувчилари ва уларнинг болаларида гендер зўравонлик ҳолатининг таъсирини йўқотиш ёки камайтириш учун минимал таянч хизматларни тақдим этишда ўзаро кетма-кет қадамлардан иборат.

Ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳолатни аниқлаш, уни баҳолаш, хизмат кўрсатиш, ҳолатни ҳужжатлаштириш ва қайта йўналтириш босқичларини ўз ичига олади.

Аниқлаш. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчини ва интервенцияни амалга ошириш учун сабабларни аниқлаш гендер зўравонликка этибор қаратишдаги биринчи қадамдир. Бу гендер зўравонлик жабрланувчиси сифатида ўзини ўзи фош этишга кўмаклашиш ёхуд йўналиш ёки ҳисоботдан келиб чиқиб, аниқлаш (мажбурийми ёки йўқ) орқали амалга оширилиши мумкин. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг мустақиллиги ва махфийлиги жабрланувчи хавфсизлигининг гарови ҳисобланади.

Баҳолаш. Гендер зўравонлик жабрланувчиси вазиятига таъсир кўрсатадиган ижтимоий, оилавий ёки шахсий ҳолатни тушуниш учун потенциал/мавжуд хавф омилларини, эҳтиёжлар ва ресурсларни тўғри ҳамда тўлиқ баҳолаш талаб этилади. Зўравонлик турлари, гендер зўравонлик жабрланувчиси оила аъзолари билан муносабатлар, уни жамиятга интеграциялаш, гендер зўравонлик жабрланувчиси томонидан муаммоларни тушуниш ва ҳал қилиш механизми, иқтисодий оқибатлар баҳоланиши керак. Бу қадам, агар зарур бўлса, ҳолатни бошқариш бўйича хизматларга ёки бошқа хизмат кўрсатувчилар олдида жўнатишга хабардор этиб розилик олишни ўз ичига олиши керак.

Хизматлар/ёрдам кўрсатиш. Интервенция режаси гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларни/шахсларни ҳимоя қилиш ва зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш учун зарур хоҳиш-истаклар ҳамда ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Интервенция режасида натижалар, ҳаракатлар режаси, усуллар ва муддатлар келтирилади, шунингдек қўйилган мақсадларга ёки кутилаётган натижаларга эришиш учун зарур хизмат турлари ва ресурслар белгиланади. Шу лаҳзада қайта йўналтириш режалаштирилади. Интервенция режасини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш (хизматлар кўрсатиш) интервенция режасини татбиқ этишдан иборат. Ҳолатни идоралараро бошқаришда турли хизмат кўрсатувчилар интервенция режаси ҳаракатларининг бир қисминигина амалга ошириши мумкин ва ҳолатни бошқариш учун тайинланган битта хизмат кўрсатувчи интервенция режасини мувофиқлаштиради ва ундаги тадбирларни бажаради. Натижалар мақоми баҳоланади ва, зарур бўлса, интервенция режасига ўзгартишлар киритилади. Интервенция энг яхши натижага эришганда ёки гендер зўравонлик жабрланувчиси эҳтиёжлари/хоҳиш-истаклари ўзгарганда тугайди.

Гендер зўравонлик жабрланувчиси қайси муассасага мурожаат қилишидан қатъи назар унинг хавфсизлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган аралашувнинг энг минимал мажмуавий чора-тадбирлари мавжуд. Бундай аралашувнинг минимал мажмуавий чора-тадбирларига гендер зўравонликка қарши курашувчи муассаса кўрсатмалари чекланган бўлганда ёки бу аралашув гендер зўравонлик жабрланувчиси гендер зўравонлик билан боғлиқ нохуш ҳодисани хабар қилса ва агар хизматдан фойдаланиш имкони бўлмаса ёки ҳеч бўлмаса энг зарур ёрдам ўз вақтида диққат билан ва махфий тарзда кўрсатилмаган бўлса, хизмат кўрсатувчига нисбатан ишонч йўқотилиши мумкинлигини, бу эса, ўз навбатида гендер зўравонлик жабрланувчисининг юз берган ҳодиса ҳақида бошқа бирор кимсага айтишни хоҳламаслигига сабаб бўлишини назарда тутиши керак.

Ҳужжатлаштириш. ГЗга идоралараро жавоб қайтариш тизимидаги ҳужжатлаштириш функцияси зўравонлик ҳолатини рўйхатга олиш жараёнининг ўзигина эмас, балки бу ГЗ ҳолатини таҳлил қилишга, жамиятдаги мавжуд гендерга асосланган зўравонлик тенденциялари ва шакллари аниқлашга ва сиёсий қарорларни ишончли маълумотлар билан таъминлашга ёрдам берадиган барча мавжуд маълумотларни ўз ичига олган батафсил тузилган тўпламдир.

Ҳар бир ГЗ ҳолати барча хизмат кўрсатувчилар томонидан ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт. Ҳужжатлар, агар ГЗ ҳодисаси тарихи ҳужжатлаштирилмаган бўлса, ҳеч бўлмаганда ГЗ ҳодисаси ҳақидаги энг сўнги маълумотларнинг тўлиқ шарҳини тақдим этиши керак.

ГЗ ҳолатларининг ҳужжатлаштирилиши стандарт шакллар, қўлда ёзилган эслатмалар, жадваллар, фотосуратлар, қоғоз регистрлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Ҳар битта ГЗ ҳолати ҳақидаги керакли маълумотларни тўплаш ва уларни маълумотлар базасига киритиш қуйидагича амалга оширилади: а) ГЗ ҳолатларини назорат қилиш ва баҳолаш учун маълумотлар яратиш; б) маълум бир соҳа бўйича ошкор қилинган ҳолатлар тўғрисида аниқ тушунча бериш; с) ГЗга идоралараро жавоб қайтаришнинг ишлашини баҳолашга ёрдам бериш.

ГЗ ҳолатини ҳужжатлаштириш, барча хизмат кўрсатувчилар ўртасида, умумий маълумотларнинг ишончлилиги боғлиқ бўлган маълумотлар тўплами воситаларнинг келишилган ягона методологиясига мувофиқ амалга оширилади.

Йўлланма бериш. Йўлланма бериш функцияси гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга ёрдам кўрсатиш бўйича хизматларни пухта ўйланган ҳолда ташкил этиш/мувофиқлаштиришдан иборат, бунда хизматлар улардан фойдаланишни енгиллаштириш учун икки ёки ундан кўп хизмат кўрсатувчилар томонидан кўрсатилади (гендер зўравонликка учраган жабрланувчини қарор қабул қилиш жараёнига жалб қилган ҳолда). Ёрдам кўрсатиш мақсадида хизмат кўрсатишнинг мувофиқлаштирилиши мутахассисларни ва интервенциянинг барча тегишли ҳаракатларини бажариш учун зарур бошқа ресурсларни пухта ўйлаб жалб қилишга кўмаклашади. Бу интервенция режасини амалга оширишда иштирок этувчи хизмат кўрсатувчилар ўртасида мунтазам ахборот алмашиш орқали таъминланиши мумкин.

V.2.2. Хизмат кўрсатувчиларнинг роли ва мажбуриятлари

Бу бўлимда гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар учун хизмат кўрсатувчи муҳим идоралар келтирилган. Мажбуриятлар тушунтирилиши муассасалар ва хизмат кўрсатувчилар кўрсатмалари ҳамда чекловларини яхшироқ тушуниш имконини беради, шунингдек қайта йўналтиришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш учун асос сифатида хизмат қилади.

Тиббий хизмат кўрсатувчилар, ижтимоий-руҳий хизматлар ва полиция ҳамда судни ўз ичига олган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари идоралараро интервенцияда ва гендер зўравонлик ҳолатларига қайта йўналтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим хизмат кўрсатувчилар ҳисобланади.

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришда хизмат кўрсатувчилар юқорида таърифланган тартиб-таомилларни жорий этади ва ҳар бир муассасага/ташкilotга хос бўлган хизматларни кўрсатади. Хизмат туридан қатъи назар барча хизматлар гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар эҳтиёжларига қаратилган бўлиши ҳамда идоралараро ва комплекс ёндашув асосида тақдим этилиши, фойдаланиш мумкин бўлган ресурсларга ва гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар эҳтиёжларига мослаштирилган бўлиши керак.

Ҳар бир хизмат кўрсатувчи гендер асосидаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга жавоб қайтариш масаласида жавобгарлик роли ва соҳасини белгилаб берадиган тафсилотли махсус баённомаларга ва интервенциянинг стандарт операцион иш тартибларига (СОТ) эга бўлиши керак. Аралашувнинг стандарт операцион иш тартиблари ишлаб чиқилиши ва қайта йўналтириш муҳим манфаатдор томонлар ва хизмат кўрсатувчилар билан келишувни ўз ичига олиши керак бўлган жараёндир. Жавоб қайтариш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда СОТ муҳимдир, чунки улар асосий принципларни, ахлоқий стандартларни белгилайди ва идоралараро хизмат кўрсатилишини мувофиқлаштиради.

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш билан шуғулланувчи барча муассасалар/ташкilotлар белгиланган асосий принципларга риоя қилиши ва ҳар қандай гендер зўравонлик жабрланувчисига тегишли хизматлар кўрсатиш учун етарлича ресурслар бўлишини таъминлаши керак. Шуни ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатувчилар салоҳиятини ривожлантириш гендер зўравонликка қарши курашишга қаратилган самарали дастурнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

А. Соғлиқни сақлаш хизматлари

Гендер зўравонлик жабрланувчиси зудлик билан тиббий хизматлар кўрсатиш учун шошилиш ёрдам бўлимига мурожаат қилиши мумкин бўлганда, шунингдек гендер зўравонлик юз берганда соғлиғига таъсир кўрсатиши мумкин бўлганда соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатувчиларининг интервенцияси зарур бўлиши мумкин.

Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар учун комплекс тиббий хизматлар кўрсатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- биринчи ёрдам;
- анамнез ва текширув;
- жароҳатларни ва кечиктириб бўлмас тиббий муаммоларни клиник даволаш;
- психологик/психик ёрдамни баҳолаш ҳамда бошқариш;
- далил-исботлар тўплаш;
- хатарларни баҳолаш ва бошқариш.

Қуйидаги рўйхатда гендер зўравонликка эътибор қаратишда тиббиёт ходимлари ролининг муҳим элементлари санаб ўтилган:

- Гендер зўравонлик белгилари ва аломатларини аниқланг. Хулқ-атворнинг айрим белгилари гендер зўравонлик ҳолатлари борлигидан дарак бериши мумкин.
- Гендер асосидаги зўравонликни бошидан ўтказганлигидан дарак берувчи клиник аломатлар бор бўлса, гендер зўравонлик тўғрисида саволлар беринг (беморда гендер зўравонлик аломатлари борлигини текшириш). Гендер зўравонлик тўғрисида сўраганда риоя этиш зарур бўлган қатор зарур талаблар мавжуд: интервенция принциплари, гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар билан алоқа қилиш учун тайёрланган малакали тиббиёт ходимлари, гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар шахсий ҳаёти махфийлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, қайта йўналтириш тизими.
- Ресурслар, кўникмалар ва йўл-йўриқларга мувофиқ қўйилиши керак бўлган кейинги қадамлар (баҳолаш, хизматлар кўрсатиш, далил-исботлар тўплаш, гендер асосидаги зўравонликни ҳужжатлаштириш ва қайта йўналтириш) тўғрисида қарор қабул қилинг.
- Беморни гендер зўравонлик ва унинг саломатлик учун оқибатлари тўғрисида ахборот билан таъминланг.
- Дўстона ва ишончли муҳит яратинг, беморни эшитинг ва кўнглини кўтаринг.
- Кўрсатиладиган хизматларга розилигини олинг. Онгли розилик гендер зўравонликка учраган вояга етган жабрланувчи/шахс, ота-она ёки болалар ёки лаёқати чекланган шахслар учун васий томонидан имзоланиши керак.
- Бошқа муассасалар олдида гендер зўравонлик ҳолатлари ҳақида юридик мажбурий ҳисобот берилганми-йўқми кўрсатинг.
- Бемордан анамнез олинг ва уни тиббий кўриқдан ўтказинг.
- Ўз хатти-ҳаракатларингиз мақсадларини тушунтирганингиздан ва розилигини олганингиздан кейин баённома асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ далил тўпланг.
- Тегишли тиббий ёрдам билан таъминланг. Соғлиқ ҳолатини текшириш ва даволашдан ташқари тиббиёт муассасасига мурожаат қилган гендер зўравонлик жабрланувчиси жисмоний зўравонликни бошидан ўтказган бўлса, унинг жароҳатлари даволаниши ёки унга оғриқни, хавотирни ёки уйқусизликни енгиллаштириш учун дори воситаси берилиши керак. Жинсий зўравонлик юз берган бўлса, соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатувчи жинсий йўл билан ўтадиган инфекциялар профилактик даволанишини таъминлаши, ҳомиладорлиги ёки ҳомиладор эмаслигини текшириши ва кечиктириб бўлмас контрацепция воситасини таклиф қилиб ёки ёзиб бериб, режалаштирилмаган ҳомиладорликнинг олдини олиши, жинсий алоқадан кейин махсус тадбирлар ўтказиш орқали ОИВ юқиши хавфини камайтириши ҳамда В гепатити ва қоқшолга қарши эмлаши керак.
- Гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг кечиктириб бўлмас руҳий эҳтиёжларига эътибор қаратинг.
- Гендер зўравонлик муносабати билан соғлиққа етказилган таъсирлар далилларини ҳужжатлаштиринг.

- Беморга уни ўз илтимоси ва/ёки заруратга қараб бошқа хизмат кўрсатувчиларга (масалан, ихтисослашган тиббиёт муассасалари, хотин-қизлар бошпаналари, инқироз марказларига) юборишингиз мумкинлиги ҳақида ахборот беринг.
- Гендер зўравонлик жабрланувчиси танлови бўйича йўлланма беринг.
- Беморга хавфсизлик чораларини режалаштиришда ёрдам кўрсатинг.
- Тегишли тарзда тиббий хизмат кўрсатишни режалаштиринг ва кўрсатинг.

Б. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятлар деб ҳисобланган гендер зўравонлик ҳолатларини текшириш ва суд орқали таъқиб қилиш учун жавоб беради.

Ички ишлар органлари кўпинча гендер зўравонлик жабрланувчиси ўз вазияти ҳақида хабар берадиган биринчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Ички ишлар органлари гендер зўравонлик ҳолатига қай тарзда эътибор қаратиши ва гендер зўравонликка учраган жабрланувчи/шахс эҳтиёжларини қай даражада қондириши гендер зўравонликка учраган жабрланувчи/шахс томонидан амалга ошириладиган кейинги қадамларга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчи/шахсни сўроқ қилишнинг муқобил усуллари нима бўлганлиги ҳақида батафсилроқ ахборот олишга қўмаклашиши мумкин. Зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахсни сўроқ қилиш тергов ўтказиш вақтида ички ишлар органлари ходимларидан зўравонлик ҳаракатларини содир этганлик учун жавобгарликдан хабардор бўлишни ва зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахснинг реакциясини олдиндан билишни талаб қилади.

Далилларни текшириш ва тўплаш гендер зўравонлик ҳолатларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Гендер асосидаги зўравонликнинг кўпчилик шакллари “ёпиқ эшиклар ортида” юз бериши ва улар ҳақида кам хабар берилиши туфайли гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг кўрсатмалари баъзида зўравон хулқ-атвордан дарак берувчи ягона кўрсатмалар бўлиши мумкин. Тўғри ва тўлиқ текширув прокуратура ходимларини гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг кўрсатмаларини қўллаб-қувватлайдиган қўшимча далиллар билан таъминлаши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ички ишлар органлари ходимлари томонидан вақтинчалик ҳимоя ордерларини бериш ва қўллаш учун қоидалар билан таъминлайди.

Гендер асосидаги зўравонликдан жабрланган шахс малакали бепул юридик ёрдам олиш ва иш кўриб чиқиладиган барча босқичларда вакил сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ “pro bono” принципи бўйича (кўнгилли асосда) ишлаётган адвокатлар ва/ёки гендер зўравонлик муаммосига ихтисослашган нотижорат ташкилотлар юристлари орасидан малакали юрист тақдим этиш билан таъминланади. Гендер асосидаги зўравонликдан жабрланганлар хизматлари ҳақи, зарур бўлса, ихтисослаштирилган фондлардан тўланади.

Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан ўзаро ҳамкорлик одамлардан холи жойда амалга оширилиши керак ва айнан ўша жинсдаги ёки гендер зўравонлик жабрланувчиси маъқул кўрган ходим томонидан ўтказилиши лозим. Ишончли далил-исботни ўзида ифодалайдиган суд-тиббий экспертиза ўтказиш зарур бўлган барча ҳолларда таклиф этилиши керак. Текширув вақтида полиция, агар зарур бўлса, гендер зўравонлик жабрланувчиси ҳимоясини таъминлаши керак. Агар қўллаш мумкин бўлса, полициячи гендер зўравонлик юз берган жойни бориб кўради ва далил тўплайди. Тўпланган далиллар иш материалларига илова қилинади, улар жиноий даъво қўзғаш учун суд муассасаларига тақдим этилади; айрим ҳолларда бу гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг расмий шикояти бўлгандагина амалга оширилиши мумкин.

Иш материаллари полиция томонидан суд муассасаларига тақдим этилганидан кейин жиноят процесси қўзғатилади. Жинсий зўравонлик шаклларининг таъсирчанлигини инобатга олиб, бундай ҳолатда суд орқали жавоб қайтариш зўравонликнинг бошқа шаклларига жавоб қайтаришдан фарқ қилиши керак; ишни кўриш холи жойларда ва айрим сессиялар чоғида ўтказилиши керак. Ишни кўриш вақтида гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча ҳимоя ва хавфсизлик чоралари ишга солинади. Суд хизматларини кўрсатувчилар юридик жараён ва суд текширувининг барча

жиҳатлари юзасидан бепул ёки арзон маслаҳатлар тақдим этишлари керак. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга жабр етказмайдиган тарзда муносабатда бўлиш лозим, шунингдек зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахс билан зиддиятга бормаслик зарур.

Гендер зўравонлик жабрланувчиси қуйидаги бир қатор сабаблар асосида фуқаролик даъвосини тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга: ажрашиш, мол-мулкни тақсимлаш, болаларга васийлик қилиш ва гендер зўравонлик жабрланувчиси кўрган зарарни қоплаш (масалан, эътиборсиз ёки ҳақоратли муносабат натижасида мутахассислар томонидан такроран жабр етказилиши).

ГЗни бошдан кечирган жабрланувчилар учун мажмуавий ҳуқуқий хизматларни кўрсатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ГЗ ҳолати/ҳодисасини ўрганиш;
- далиллар тўплаш;
- зўравонлик қайта содир этилишининг олдини олишда ҳуқуқий ёрдам;
- хавфни баҳолаш ва бошқариш.

В. Психологик хизматлар

ГЗ жабрланувчиларининг психологик ҳолатини тузатишни таъминлайдиган психологик хизматлар уларнинг ижтимоий мослашуви, ижтимоийлашуви ва ўзи яшаётган муҳитга интеграциялашувига қаратилган. Психологнинг асосий саъй-ҳаракатлари ГЗ жабрланувчиларига руҳий ҳолатини яхшилашда, яшаш муҳитига мослашиш қобилиятини тиклашда ёрдам беришни кўзда тутлади.

Барча ҳаракатлар ГЗ жабрланувчисига қаратилиши ва идоралараро ҳамда яхлит тарзда, барқарор амалга оширилиши керак.

Танглик ҳолатидаги аралашувда психолог хотин-қизларга зўравонлик жароҳати билан самарали курашишда ёрдам бериши зарур. Бунинг учун маслаҳат жараёнида психолог ёрдамида ҳал қилинадиган учта вазифа қўйилади, улар:

- 1) бўлиб ўтган воқеа ҳақида холис ва аниқ фикр билдириш;
- 2) ҳиссиётларни ва реакцияларни бошқариш, эҳтиросларни жиловлаш;
- 3) жароҳатни енгиш учун ўзини тутиш моделларини шакллантириш.

Шундай қилиб, ГЗ жабрланувчилари учун танглик ҳолатида маслаҳат беришда қуйидагилар муҳим саналади:

- ўзини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишини таъминлаш;
- зўравонлик ҳолатлари билан боғлиқ аниқ ҳаракатлар режасини тузишда ёрдам бериш;
- шахсий ва ўзаро муносабатларнинг асосий муаммоларини аниқлашга ёрдам бериш;
- танглиқдан чиқиш учун ички ресурсларни сафарбар қилишга ёрдам бериш;
- содир бўлган воқеаларнинг жиддийлигини англашга ва ўзи ҳамда фарзандлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга ёрдам бериш;
- ўзига келиш учун вақт зарурлигини тушунишга ёрдам бериш;
- жабрланган шахснинг руҳиятидаги кучли томонларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Эҳтиросга берилган тарзда жавоб берилганидан сўнг психологлар шахсият ва ўзаро муносабатлар доирасидаги тизимни тиклаш учун тарбиявий хатти-ҳаракатларни (ўзини тутиш намуналарини) ҳамда зўравонлик ҳолатларининг амалга оширилишини таъминлайдиган механизмларни ўрганишга йўналтирилган ишларга ўтишлари керак.

Психологик хизматлар махсус психологик ёрдам хизматлари томонидан кўрсатилади. Ушбу хизматлар ҳукумат томонидан бошқариладиган ижтимоий ёрдам ташкилотлари ёки махсус маслаҳат ва қўллаб-қувватлаш бўлимига эга ГЗ жабрланувчилари учун ихтисослашган хизматлар бўлиши мумкин. Зўравонлик жабрланувчиларини реабилитация қилиш ва уларни мослаштириши ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини

олиш марказлари, шунингдек, ГЗ жабрланувчилари билан ишлайдиган нодавлат нотижорат ташкилотлари асосий психологик хизмат кўрсатувчилар ҳисобланади.

ГЗ жабрланувчилари учун асосий психологик хизматлар турли вазиятларда ва кенг қўламда кўрсатилиши керак:

- инқирозли вазиятда маълумот бериш;
- инқирозли вазиятда маслаҳат ўтказиш;
- ёрдам тармоқлари: “Ишонч телефони” ва “Телефон орқали туну кун ёрдам хизмати” воситалари;
- психологик маълумотлар билан таъминлаш (ГЗнинг сабаб ва оқибатлари), шунингдек, ГЗ вазиятидан чиқиб кетиш йўллари ҳақида;
 - юзма-юз ва телефон орқали психологик маслаҳатлар бериш;
 - психотерапия машғулоти (зарур бўлганда);
 - гуруҳ миқёсида психологик ёрдам (психологик тренинглари ва “қўллаб-қувватлаш гуруҳлари”).

Бундан ташқари, психологик хизмат кўрсатувчилар жамоатчилик билан ишлаш ва гендер зўравонлиги бўйича таълим олишлари керак.

Хизмат кўрсатувчи билан ўзаро алоқада бўлган пайдан бошлаб (масалан, психолог-маслаҳатчи) ГЗ жабрланувчиси махфийлик сақланишига ишонч ҳосил қилиши керак. Бунга, агар керак бўлса, психолог хизматига ва бошқа хизмат кўрсатувчига мурожаат қилишга розилик олиш керак.

Г. Ижтимоий хизматлар

Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар билан бевосита алоқага киришадиган барча хизмат кўрсатувчилар улар билан ишлашнинг бош принципларидан хабардор бўлиши ва уларни амалиётга татбиқ эта олиши керак. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларни/шахсларни диққат билан эшитиш ва тўлиқ ҳамда аниқ ахборот бериш — барча хизмат кўрсатувчиларнинг мажбурияти айнан шундан иборат; мураккабликнинг куйироқ даражасида гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар билан алоқага киришадиган ҳар бир мутахассис уларни минимал даражада ижтимоий қўллаб-қувватлаши керак, жумладан:

- гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг хавфсизлиги чораларини таъминлаши;
- гендер зўравонликка учраган жабрланувчини диққат билан тинглаши ва нохуш ҳодисани дастлабки тарзда баҳолаш учун ўринли, холис саволлар бериши, гендер зўравонлик жабрланувчиси белгиланган мулоқот доирасини ҳурмат қилиши;
- зўравонлик жабрланувчининг айби эмаслигига ва фақат жиноятчи бунга жавоб беришига урғу бериши;
- унга кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар ҳақида аниқ ва тўлиқ ахборот тақдим этиши;
- айниқса гендер зўравонлик жабрланувчиси гендер асосидаги зўравонликни тугатиш учун бирор-бир чора кўришга тайёр бўлмаса ёки гендер зўравонлик натижасида жароҳатни енгиб ўта олмаса, энг зарур хавфсизлик режасини тузиши;
- гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга нима қилишни ва қаерга боришни айтмай, у асосланган қарор қабул қилишига ёрдам бериши.

Ижтимоий хизмат кўрсатувчилар, одатда, барча хизмат кўрсатувчилар томонидан барча хизматлар кўрсатилишини мувофиқлаштириб, ҳолатларни бошқарувчи мутахассислар сифатида ҳаракат қилади. Ўзига бўлган ҳурматни қайтариши ва ўз ҳаётини яна назорат қилиши учун гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга ёрдам кўрсатиш ижтимоий хизматларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг қисқа таърифи: гендер зўравонлик жабрланувчиси хавфсизлиги соҳасида ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, эҳтиёжларни баҳолаш асосида интервенция режасини ишлаб чиқиш, интервенция режасини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, гендер зўравонлик жабрланувчиси бошқа хизмат кўрсатувчилар олдига боришида ҳамроҳ бўлиш, режа мақсадларига мувофиқ кейинги фаолиятни таъминлаш.

Ижтимоий хизматларнинг муҳим хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- танг вазиятда маслаҳат бериш;
- хавфсиз турар жой тақдим этиш;
- узоқ вақт ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва маслаҳат бериш;
- хавфларни баҳолаш ва бошқариш.

Хавфсизликни таъминлаш ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Вақтинчалик турар жой тақдим этиш, имкониятга қараб молиявий қўллаб-қувватлаш ва хавфсиз жойга транспортда боришини таъминлаш — гендер зўравонлик жабрланувчиси хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳаракатлардир. Хавфларни бошқариш ва хавфсизлик чораларини мунтазам таъминлаш хавфсизликни таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Одам савдосига жалб қилинган жабрланувчи/шахс жойлашган ерни аниқлашга уринаётган ҳолларда ва гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга жиддий хавф солинаётган вазиятларда одам савдосига жалб қилинган жабрланувчилар/шахслар хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Гендер зўравонликка муваффақиятли жавоб қайтариш узоқ муддатли саъй-ҳаракатдир ва хизмат кўрсатувчилар бу муваффақиятни бошқа нуқтадан баҳолаши мумкин. Гендер зўравонлик билан боғлиқ вазият якунлангунга ва жароҳат енгиб ўтилгунга қадар гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга ёрдам кўрсатишдаги ҳар бир қадам ўз-ўзидан муваффақият ҳисобланади.

V.3. Умумий ҳисоботлар ва қайта йўналтириш

Гендер зўравонлик жабрланувчиси гендер зўравонлик ҳолати ҳақида бошқа хизмат кўрсатувчига хабар бериш ёки бермаслик ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга; унинг танловини ҳурмат қилиш зарур ва нима бўлганда ҳам гендер зўравонликка учраган жабрланувчини ҳар қандай мумкин бўлган усул билан қўллаб-қувватлаш зарур. Гендер зўравонлик жабрланувчиси ҳуқуқий розилик берадиган ёшга тўлмаган шахс бўлган ёки теварак-атрофни мақбул идрок қила олмайдиган шахс бўлган ҳоллар ЁКИ гендер зўравонлик жабрланувчиси хавфсизлигига яққол ва бевосита таҳдид солинаётган бўлса ЁХУД ҳисобот мажбурий бўлса, бу қондан четлаб ўтиш мумкин.

Агар жабрланувчи нохуш ҳодиса ҳақида бирор кимсага хабар беришни хоҳламаса, бундай вазиятда мақбул ёрдам кўрсатиш имкони йўқ.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига кўра айрим ҳолатларда соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатувчилар, ҳаттоки бундай талаблар гендер зўравонлик жабрланувчиси махфийлигини ва мустақиллигини ҳурмат қилиш каби бош принципларга зид бўлса ҳам, ички ишлар органларига гендер зўравонлик ҳақида хабар бериши шарт. Мажбурий ҳисобот биринчи навбатда болалар ва вояга етмаганларга, ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига тегишли. Бундай вазиятда хизмат кўрсатувчи мажбурий ҳисоботга қўйилган талаблар, шу жумладан ҳисобот механизмлари ва текширув ўтказиш тартиблари ҳақида барча ахборотни олиши ва ўрганиши керак. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга қонунларга мувофиқ гендер зўравонликка оид айрим ҳолатлар ҳақида ҳисобот тақдим этилгандан кейин нима бўлиши мумкинлиги тўғрисида маълумот берилиши керак.

Агар ҳисобот жараёни мажбурий бўлса ҳам, бундай вазиятларда хизмат кўрсатувчилар мажбурий ахборот бериш тартибларини батафсил ўрганиб, гендер зўравонлик жабрланувчиси махфийлиги, хавфсизлиги, кадр-қиммати ва хотиржамлиги сақланишини таъминлаши керак.

Ҳисобот беришнинг энг хавфсиз ва самарали усулини таъминлаш учун ва жабрланувчининг парваришланиш ҳамда даволаниш бўйича хоҳиш-истакларига мувофиқ унинг шошилинич ва қўллаб эҳтиёжларини қаноатлантириш қайта йўналтириш тизимининг мақсади ҳисобланади. Бундан ташқари, қайта йўналтириш тизими

хизмат кўрсатишга уюшган ҳолда ёндашишга асосланади. Бундан ташқари, қайта йўналтириш хизматлар кўрсатишга мувофиқлаштирилган ёндашувни таъминлайди.

Бундан ташқари, гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар ўз хоҳиш-истаклари/эҳтиёжларига мувофиқ ёрдам олиш учун турли имкониятлардан фойдалана олиши жуда муҳимдир; қайта йўналтириш тизимини яратишда йўлланма бериладиган ягона йўл кўрсатилмаслиги керак. Барча хизмат кўрсатувчилар гендер зўравонлик жабрланувчиси алоқага киришган биринчи киши бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар қайта йўналтириш тизими ва имкониятлари ҳақида хабардор этилган бўлиши керак. Йўлланма бериш тизими, агар муассасалар/ташкilotлар, муайян хизмат кўрсатувчилар (мутахассислар) ҳақидаги ахборот/маълумот ва боғланиш мумкин бўлган маълумотлар тизимга солинган бўлса ва барча тегишли муассасаларга берилган бўлса, самарали ишлайди.

Агар гендер зўравонлик жабрланувчиси қўллаб-қувватлашнинг ҳар қандай бошқа хизматидан фойдаланишни ёки бирор-бир суд жараёнини кўзғатишни хоҳласа, ҳар сафар гендер зўравонлик хавфи ёки ҳолати аниқланганда хизмат кўрсатувчилар барча тегишли қўллаб-қувватлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиши керак.

Қайта йўналтириш аниқ тартиб-принципи жабрланувчи ўз вақтида ёрдам олиши учун гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш режасини ишлаб чиқишнинг биринчи босқичида ишлаб чиқилиши керак. Муассасалар ўртасида қайта йўналтиришнинг аниқ тартиби гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришни энгиллаштиради ҳамда жабрланувчининг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларини самаралироқ қаноатлантиради.

Гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга қайта йўналтиришнинг иккита усули бор: ўзига хос интервенцияни таъминлайдиган пунктлар ва ўзига хос интервенцияни таъминлаш ваколатига эга бўлмаган/ўқитилмаган/малакали бўлмаган пунктлар. Барча пунктлар ваколатлари/имкониятларидан қатъи назар қайта йўналтиришнинг айна ўша 5 та стандарт қадамига риоя қилиши керак:

1. Ахборот. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар хизматлардан фойдаланиш учун мумкин бўлган қайта йўналтиришдан хабардор бўлиши керак.

2. Розилик ва хабардор этилган ҳолда розилик. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахсларни қайта йўналтириш бўйича ҳар қандай қадамгача гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг ахборот алмашишга розилиги ва хабардор этилган ҳолда розилиги олиниши керак. Гендер зўравонлик жабрланувчиси қайси муассасага йўлланма олишни танлаш ва бошқа хизмат кўрсатувчиларга тақдим этиладиган ахборотга чекловлар қўйишни сўраш ҳуқуқига эга.

3. Тўлиқ ахборот ва ечим. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар танловига қараб ҳамда хизмат кўрсатувчилар ҳақида тўлиқ ва аниқ ахборот тақдим этилгандан кейин қуйида келтирилган “учта савол” схемаси бўйича йўлланма берилади:

КИМ — қайси муассаса/ташкilot гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга хизмат кўрсатади, шу жумладан мазкур хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун боғланиш мумкин бўлган шахснинг маълумотлари (исми, телефон рақами);

ҚАНДАЙ — улар муайян хизмат кўрсатувчидан қандай ёрдам олишга умид қилиши мумкин, шу жумладан мазкур хизматдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ҳақида ахборот;

ҚАЕРДА — ушбу хизматлар кўрсатиладиган аниқ жой (аниқ манзил).

4. Ўз-ўзини йўналтириш. Қайта йўналтиришда унга қисқа ёзма ҳисобот илова қилиш ва бошқа хизмат кўрсатувчи билан телефон орқали суҳбатлашиш керак. Бу мижоз кўп сонли сўровлар вақтида ўз ҳикоясини такроран айтиб беришига ва айна ўша саволларга жавоб беришига ҳамда гендер зўравонлик ҳодисаси етказган руҳий жароҳатни яна ҳис этишига тўғри келадиган вазиятларга имкон бермаслик учун керак. Бу босқичда жабрланувчига йўлланмани ўзи олиш имкониятини бериб, унинг мустақиллигини рағбатлантириш муҳим.

5. Ҳамроҳлик қилиш. Агар зарур бўлса ва мумкин бўлса, тилга олинган хизмат кўрсатувчининг олдига боришда жабрланувчига ҳамроҳ бўлинг.

V.4. Маълумот йиғиш, юбориш ва таҳлил қилиш. Маълумот йиғиш принциплари. Индикаторлар

Гендер зўравонликнинг ҳар бир ҳолати ижтимоий-руҳий хизматлар кўрсатувчилар томонидан ҳужжатлаштирилиши керак; ҳужжатлаштириш ҳеч бўлмаса гендер зўравонлик ҳолати ҳақида энг долзарб ахборотнинг тўлиқ шарҳини таъминлайди. Гендер зўравонлик ҳолатларини стандарт шакллар, қўлёзма белгилар, схемалар, фотосуратлар, қоғоз регистрларидан фойдаланиб ҳужжатлаштириш мумкин. Ҳар бир гендер зўравонлик ҳолати ҳақида тегишли маълумотлар тўплаш ва уларни маълумотлар базасига киритиш: а) гендер зўравонлик ҳолатлари жараёнини мониторинг қилиш ва баҳолаш учун маълумотларни шакллантириш, б) муайян соҳада ошкор этилган ҳолатлар ҳақида аниқ тасаввур тақдим этиш ва в) гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш бўйича фаолиятни баҳолашга ёрдам бериш.

Турли даражаларда (муассаса/ташкilot, шаҳар, мамлакат) қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар олиш маълумотларни ҳужжатлаштириш ва таҳлил қилишнинг мақсади ҳисобланади. Бу қуйидагилар учун керак:

- барча даражаларда гендер зўравонликка жавоб қайтаришни қўллаб-қувватлаш;
- турли даражаларда гендер зўравонликка жавоб қайтаришни кузатиш ва назорат қилиш;
- ўз фаолиятини режалаштириш.

Қайд этиш лозимки, ҳужжатлар/ахборот алмашиш тизими муайян вақтда ўтказиладиган илмий тадқиқот ҳисобланмайди, бироқ гендер зўравонлик билан боғлиқ нохуш ҳодисаларни ёки гендер зўравонлик юз берган ҳолатларни ёзиб борадиган ва уларни маҳаллий даражада умумлаштирадиган ҳамда мамлакат даражасида марказлаштирадиган муассасалар томонидан тизимли ва муайян суръатда гендер зўравонликка тааллуқли маълумотларни мунтазам тўплаб бориш методикасидир.

Бу нуқтаи назардан гендер зўравонлик ҳолатларини кузатиш ва баҳолаш гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришга жалб қилинган муассасалар/ташкilotлар орасида келишилган стратегиялар суръатини кузатиш ва баҳолашдан фарқ қилади.

Кузатиш натижалари ҳақидаги ҳисобот индикаторларнинг келишилган рўйхати ёрдамида тўпланган гендер зўравонлик билан боғлиқ қайд этилган нохуш ҳодисалар ва/ёки юз берган бундай ҳолатлар тўғрисидаги миқдорий маълумотларни, шунингдек гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришга жалб этилган хизмат кўрсатувчилар томонидан тўпланган сифат бўйича маълумотларни ўз ичига олиши керак. Ҳисобот гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришдаги муаммоларни ва мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун кўриладиган хатти-ҳаракатларни аниқлаши керак.

Агар индикаторларнинг келишилган умумий рўйхати гендер зўравонликка жавоб қайтаришда иштирок этаётган барча хизматлардаги мантиқан асослантирилган маълумотларни тўплаш воситаси сифатида муассасанинг/ташкilotнинг ҳар бир шаклига илова қилинса, бу барча дастурлардан, хизматлардан ва муассасалар/ташкilotлардан тушаётган гендер зўравонлик ҳақидаги маълумотларни таққослаш имконини бериши мумкин. Умумий рўйхат мазкур ҳодисанинг қўламлари ҳақидаги ахборотни таъминлайдиган, ҳолатларни санашда такрорлашнинг олдини олишга ёрдам берадиган ва режали тартибда тўплаб бўлинган индикаторларни ўз ичига олиши керак. Қуйидагилар умумий индикаторлар бўлиши мумкин (биноқ уларнинг барчаси бўлиши шарт эмас ва улар билан кифояланмайди): зўравонлик тури, кўрсатиладиган хизматлар тури, ким йўлланма берди, қўзғатилган ёки кўрилган ҳуқуқий чоралар, гендер зўравонлик жабрланувчиси ва зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахс ўртасидаги муносабатлар, гендер зўравонлик жабрланувчиси сўровномаси ва зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахс сўровномаси, зўравонлик содир этилган жой (уй, иш, жамоатчилик жойи ва ҳоказолар).

V.4.1. Маълумот йиғиш принциплари

Аниқ ва фойдали ахборот олиши, маълумотлар тўплаш учун ахборотни бошқариш тизимлари муайян принципларга риоя қилиш керак.

Маълумотларни ахлоқий ва хавфсиз тўплаш принципи

Тақдим этилган ахборот хатардан ортиқча бўлиши кераклиги гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар учун устуворликдир. Маълумотларни тўплаш ва ҳужжатлаштириш одамларга такроран жабр етказмайдиган ва камроқ хавф уйғотадиган тарзда амалга оширилиши керак. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларни/шахсларни парваришlash ва қўллаб-қувватлаш гендер зўравонлик билан боғлиқ нохуш ҳодиса/ҳолат ҳақидаги ахборотни ўз ичига олиши мумкин бўлган ҳар қандай кейинги қадам бошланишидан аввал таклиф этилган бўлиши керак. Маълумотлар тўплашдан аввал гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг хабардор этилган ҳолда розилиги олиниши керак. Маълумотлар тўплашда иштирок этувчи мутахассислар гендер зўравонлик билан боғлиқ нохуш ҳодиса/ҳолат ҳақида ахборот тўплаш соҳасида тегишлича ва етарлича тайёргарлик кўрган бўлиши ва ёрдам олиши керак.

Шахсий маълумотларнинг махфийлик принципи

Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилардан/шахслардан олинган шахсий маълумотлар, шу жумладан статистика маълумотларини шакллантириш мақсадида очиқ берилмаслиги керак. Маълумотлар узатиш мақсадидан қатъи назар (бошқа хизмат кўрсатувчилар олдида гендер зўравонлик билан боғлиқ нохуш ҳодиса/ҳолат ҳақида ҳисобот учун ёки статистика маълумотларини шакллантириш учун) ахборот/индикаторлар рўйхати гендер зўравонлик жабрланувчиси билан келишилган бўлиши керак ва тегишли ва/ёки мажбурий ҳисобот тариқасидаги ахборот билан чегараланади. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар шахсини ҳимоя қилиш учун хавфсизлик чора-тадбирларига риоя қилиниши керак. Дастурий таъминотдан фойдаланишда шахсий маълумотлар маълумотлар тўпланган муассасадан марказий муассасага узатилишидан олдин код сифатида шифрланган бўлиши керак.

Нохуш ҳодисалар/ҳолатлар такрорланишига йўл қўймаслик принципи

Ахборотни бошқариш тизими турли вақтда қайд этилган нохуш ҳодисаларни/ҳолатларни аниқлаши (турли муассасаларда) ва бир хил нохуш ҳодисаларни/ҳолатларни бир неча бор ҳисобламай, тўпланган ахборотни/ҳисоботларни шакллантириши керак. Шахсга берилган ноёб коддан (худди шундай идентификация рақамидан) алоҳида шахсни идентификациялаш учун фойдаланиш мумкин ва тизим ноёб кодни идентификация қилганда барча хизмат кўрсатувчилар томонидан тўпланган барча ахборотни боғлаши ва уни ноёб ҳолат сифатида шакллантириши керак.

Пирамида принципи

Асосий/дастлабки маълумотларнинг катта миқдори ҳар бир хизмат кўрсатувчи томонидан тўпланиши мумкин, бироқ умумлаштирилган кичик миқдордаги маълумотлар қарорлар қабул қилиш учун юқори даражада тўпланиши керак.

V.4.2. Индикаторлар

Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш кўрсаткичлари ёки кўрсаткичлари рақамли тўпланган дастлабки маълумотларнинг миқдорий ифодасини турли хил хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан қўлланиладиган шаклни тўлдириш орқали аниқланади (1-иловага қаранг — «ГЗ шаклини тўлдириш учун рўйхатдан ўтиш»).

Хизмат кўрсатувчилар томонидан тўпланиши мумкин бўлган индикаторларнинг икки тури мавжуд:

1. Хизмат кўрсатувчиларга хос бўлган кўрсаткичлар (ҳар бир муассасанинг муайян шаклларида келтирилган индикаторлар). Бу индикаторлар муайян хизмат кўрсатувчи учун зарур ахборотни ифодалайди.

2. Барча хизмат кўрсатувчилар томонидан келишилган ва тўпланадиган индикаторлар умумий рўйхати. Бундай индикаторлар ҳодисанинг реал манзарасини тақдим этиши мумкин (шунга ўхшаш ҳолларни такрорламай).

Кўп ҳолатларда идоралараро алоқа мавжуд бўлмаганда ҳар бир хизмат кўрсатувчи гендер зўравонликка учраган жабрланувчилардан/шахслардан қандай маълумот олиш мумкинлиги ва ушбу маълумотлар базаси учун индикатор/кўрсаткичларга талқин қилинишини хал қилади. Натижада гендер зўравонлик тўғрисида олинадиган маълумотлар формати, мазмуни ва сифати ҳар хил хизмат кўрсатувчида бир-биридан анча фарқ қилади ва иккита муассасада бир хил номга эга битта индикатор турли маънога эга бўлиши мумкин. Бундай шароитларда турли муассасалардан маълумот тўплаш жуда мураккаб вазифа бўлиши мумкин.

Шу сабабли ахборот элементларини тўплаш учун шакллар ва уларни тўлдириш учун йўриқномалар ишлаб чиқиши керак, гендер зўравонлик индикаторлари қийматларининг ва стандартлаштирилган таърифларнинг рўйхати (атамалар умумий глоссарийи) тўпланган маълумотлар ўзгарувчанлигини камайтириш учун барча хизмат кўрсатувчилар томонидан қабул қилиниши керак. Тўпланиши ёки шаклга киритилиши мумкин бўлган ахборот индикаторларининг ҳар хил турлари мавжуд, жумладан:

- хизмат кўрсатувчи тўғрисида ахборот: қайси муассаса/хизмат гендер зўравонликка учраган жабрланувчига/шахсга йўлланма берди, қайта йўналтириш усули (оғзаки, ёзма, телефон орқали), нохуш ҳодиса/ҳолат (гендер зўравонлик жабрланувчиси, зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахс, болалар, қариндошлар, кўшнилари, бошқалар), гендер зўравонлик жабрланувчиси ёрдам сўраб мурожаат қилган бошқа муассасалар/хизматлар;
- гендер зўравонлик жабрланувчиси тўғрисида ахборот: яшаш жойи, жинси, ёши, миллати, оилавий ҳолати, таълим, касб, даромад, қаромағида бўлган болалар ёки кексалар;
- зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахс тўғрисида ахборот: гендер зўравонлик жабрланувчиси ҳақида ахборот, шунингдек руҳий ҳолат бузилиши тарихи, моддаларни истеъмол қилиш/ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш, криминал ўтмиш;
- нохуш ҳодиса тафсилотлари (жорий ва ўтган воқеалар): гендер зўравонлик билан боғлиқ нохуш ҳодиса қанчалик тез-тез содир бўлиши, у юз берган жой, зўравонлик турлари, зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахс томонидан фойдаланилган объектлар;
- ҳолатни бошқариш режаси: хавф-хатар ва ҳимоя омиллари, кўрсатилган хизматлар тури, бошқа муассасалар/хизматларга қайта йўналтириш, хавфсизликни режалаштириш.

Тўпланган маълумотлар хотин-қизларга нисбатан зўравонлик (ХҚНЗ) билан боғлиқ вазиятни мониторинг қилиш ва баҳолаш учун асосий маълумотлар бўлиши, гендерга асосланган зўравонликни камайтириш бўйича, кейинги лойиҳаларни/дастурларни/хатти-ҳаракатларни ишлаб чиқиш учун ва қарорларни қабул қилиш учун восита бўлиб хизмат қилиши керак.

V.5. Таълим дастурлари орқали хизмат кўрсатувчиларнинг салоҳиятини ошириш

Барча идораларнинг ва барча даражалардаги хизмат кўрсатувчилар учун ўқитиш дастурлари гендер зўравонлик билан боғлиқ хизматлар тармоғи тизимлаштирилиши ва ишлашини яхшилашда, гендер зўравонликка қарши курашишга қаратилган дастурларни, шу жумладан ихтисослаштирилган хизматларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муассасаларнинг/ташкilotларнинг салоҳиятини бойитишда, ҳамкорлик ва ижтимоий ҳамдардлик маданиятини, гендер зўравонлик ҳолатлари бўйича хизмат кўрсатувчилар ҳисоботини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Идоралараро жамоалар учун мўлжалланган ўқитиш дастурлари хотин-қизларга нисбатан зўравонлик (ХҚНЗ) билан боғлиқ мавзулар назарияси ва ҳуқуқий базасини қамраб олиши керак ҳамда гендер зўравонлик бўйича ишларни ўтказишнинг амалдаги жиҳатларини, гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришни, шунингдек гендер зўравонликка қарши курашишда турли муассасалар ва ташкilotларнинг роли, вазифалари ҳамда мажбуриятларини қамраб олиши керак.

Юқори сифатли ўқитиш дастурларидан гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг бир қисми бўлган барча муассасалар/ташкилотлар фойдалана олиши керак. Ички ишлар органлари ходимларини, ижтимоий ходимларни, психологларни, юрист маслаҳатчиларини, соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатувчиларни, эксперт-криминалистларни ва ҳар қандай бошқа тегишли хизмат кўрсатувчиларни ўқитиш назарда тутилган бўлиши керак. Ўқитилган хизмат кўрсатувчилар гендер асосидаги зўравонликнинг бир хилдаги таърифини ўрганиши ва ундан фойдаланиши, гендер зўравонлик қасддан содир этилганлиги муҳимлигини тушуниши, гендер асосидаги зўравонликнинг барча типларини билиши, жабрланиш хавфини баҳолаши, гендер зўравонлик шаблони ва динамикасини ўрганиши, мулоқот қилиш ва ҳамдард бўлиш кўникмаларини шакллантириши/мустаҳкамлаши, интервенция принципларини ва хавфсизликни таъминлаш режасини ишлаб чиқишни ўрганиши керак.

Агар биз университет ўқув дастури, олий ўқув юртидан кейинги таълим ёки узлуксиз касб-ҳунар таълими ҳақида гапирадиган бўлсак, мазкур соҳага оид дарслар фақат ГЗ ҳақида маълумот берибгина қолмай, балки ўқувчиларга ўзларининг шахсий ҳаётидаги ўрнини англаш ва ГЗ жабрланувчилари билан мулоқот қилиш ва уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб жавоб қайтариш учун зарур бўлган кўникмаларни ривожлантириш учун имконият яратиши керак. Шу сабабли, ўқув дастури ГЗ ва жинсий муносабатларга оид муаммолар, ҳодисанинг мураккаблиги ва ГЗ жабрланувчилари ҳамда жиноятчи ўртасидаги муносабатларнинг динамикасини етарли даражада тушунтириши керак.

Махсус ўқитилган хизмат кўрсатувчи ГЗ нинг аниқ моҳиятини ўрганиши ва ундан тўғри фойдаланиши, қасддан амалга оширилган гендер зўравонлик жиҳатининг аҳамиятини тушуниши, барча ГЗ турларини билиши, виктимизация хавфини баҳолай олиши, ГЗ динамикаси ва шаблонини ўрганиши, мулоқот ва ҳамдардлик қобилиятларини ривожлантира олиши/мустаҳкамлаши, жавоб қайтариш принципларини ва хавфсизлик режасини қандай ишлаб чиқишни ўрганиши зарур.

Хизмат кўрсатувчиларни узоқ вақт ўқитиш гендер зўравонликка жавоб қайтаришда сифат стандартини назарда тутати. Ўқитиш дастурлари интервенция сифатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган инсон ресурсларига киритилган инвестициядир.

V.6. Гендер зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ва хабардорликни ошириш

Олдини олишнинг мақсади — асл сабабларни бартараф этиш орқали гендер зўравонлик ҳолатлари содир этилгунга қадар уларга чек қўйишдир. Бир кишининг бошқа кишига нисбатан устунлиги, шунингдек гендер нотенглик ва камситиш бартараф этилиши лозим бўлган умумий элементлар ҳисобланади.

Гендер зўравонликнинг олдини олиш гендер зўравонликка кўмаклашадиган сабаблар ва омилларни тушунишга ҳамда уларни камайтириш ёки бартараф этиш бўйича стратегия ишлаб чиқишга қаратилган. Олдини олиш гендер зўравонликка учраган жабрланувчининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий мақомида назарда тутилган жиддий ўзгаришларга ҳамда зўравонлик хатти-ҳаракатларига йўл қўядиган ижтимоий нормалар ўзгартирилишига эришгунга қадар тадбирларни узоқ муддатли режалаштиришни ва амалга оширишни талаб қилади.

Хабардорликни ошириш куйидагиларга қаратилган дастлабки олдини олиш стратегияларининг фундаментал таркибий қисми ҳисобланади: а) кенг жамоатчилик орасида гендер асосидаги зўравонликни нормаллаштирадиган ва йўл қўядиган ҳаётий нуқтаи назарлар, хулқ-атворлар ва маслакларни ўзгартириш; б) эркаклар ва хотин-қизларнинг гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга ёки зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахсларга айланишининг олдини олиш; ва в) кўплаб инсонларни ва, айниқса, гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларни/шахсларни муаммони ҳал этиш учун фойдаланиш мумкин бўлган ресурслардан хабардор қилиш.

Гендер зўравонлик ҳақида хабардорликни оширишга доир тадбирлар жамоалар саъй-ҳаракатини жамлаб, ОАВда оммавий кампанияларни сафарбар этиб, бутун ҳамжамият эътиборини гендер зўравонлик феноменига қаратишга уринишни назарда тутати.

Гендер зўравонлик ҳақида хабардорликни оширишга доир тадбирлар гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар нуқтаи назарига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, улар гендер зўравонлик шакллари билиши мумкин, гендер асосидаги зўравонликни қабул қилишни ўзгартиради ва гендер зўравонлик билан боғлиқ вазият билан муроса қилмаслик имконини беради. Натижада ихтисослашган хизматларга бўлган талаб ошиши мумкин.

Агар гендер зўравонлик кенг эътироф этилмаса, хабардорликни ошириш биринчи ўринда туриши керак. Агар ҳамжамият ва мутахассислар гендер зўравонлик ҳақида гапиришни иштасмаса, дастлабки саъй-ҳаракатлар муаммони ҳужжатлаштириш ва у ҳақда хабардор қилишга қаратилиши керак. Ўқитиш ва хизматлар кўрсатиш муҳим, бироқ агар одамлар гендер зўравонлик борлигини инкор этишни давом эттирса, интервенция керак бўлмайди ва вазият самарали ҳал этилмайди.

Гендер зўравонлик оқибатлари ҳақида хабардорликни оширишга оид саъй-ҳаракатлар фақатгина зўравонликка учраган жабрланувчиларга/шахсларга эмас, балки зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этувчи шахсларга ҳам қаратилган бўлиши керак. Гендер зўравонлик ҳақида хабардорликни оширадиган мурожаат оммавий ахборот воситалари ёрдамида осонгина нишонга олинган аудиторияга етказилиши мумкин. ОАВ маҳсулотлари жамиятнинг хабардорлигини оширишга кўмаклашибгина қолмай, балки гендер зўравонликка идоралараро эътибор қаратишда иштирок этиш учун давлат органларининг эътиборини тортиши мумкин. Бироқ ОАВ томонидан тақдим этиладиган материалларда зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар билан боғлиқ бирор-бир тафсилотлар келтирилмаслиги керак, чунки бу уларнинг аниқланишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, гендер зўравонлик ҳақида хабардорликни оширишга доир бирор-бир тадбирлар бошлангунга қадар шов-шув бўладиган жиҳатларга (масалан, зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар ҳақидаги маълумотларга, тилинган ва зарба берилган жойлар сонига) эмас, балки гендер зўравонлик турларига, унинг оқибатларига ва зўравонликка учраган жабрланувчилар/шахслар учун мавжуд бўлган ресурсларга эътиборни тортиб, гендер зўравонлик ҳақида тўғри ва самарали маълум қилиш ҳақида айрим ўзига хосликларни оммавий ахборот воситалари билан келишиб олиш зарур.

Рақамлаштириш, бу гендер зўравонлик жабрланувчисини ЎЗга идоралараро жавоб қайтариш тизими ҳақидаги керакли маълумот олиш имкониятини оширибгина қолмай, балки аксинча хавфнинг манбаига айланади ёки аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар тўғрисида жамиятда анъанавий қарашларни ўрнатишга уриниш орқали хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муммосини кенгайтириш манбаига олиб келади. Шу сабабли, хабардорликни ошириш бўйича мавжуд усуллардан фойдаланишдан чекланиб қолмай, балки ижтимоий тармоқлар/месенжерлар ва Интернет имкониятлари орқали мақсадли аудитория билан ишлашнинг замонавий усулларида фойдаланиш керак.

МАВЗУГА ОИД РЕСУРСЛАР/ҲУЖЖАТЛАР

- Закон Республики Узбекистан № 561 от 2 сентября 2019 г. О защите женщин от притеснения и насилия. <https://www.lex.uz/docs/4494712>
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2002. Всемирный доклад о насилии и здоровье. https://www.who.int/violence_injury_prevention/violence/world_report/ru/
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2003. Руководство ВОЗ по судебно-медицинской помощи жертвам сексуального насилия. <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/85240/9789241548595-rus.pdf?ua=1>
